



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzy@sand.uz

2002 йил 22 август, 174 (3002)

Пайшанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш йўлида изчил сиёсат юритиб келади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилги сессиясида сўзлаган нутқида илк бор ушбу ташаббусни илгари сурган эди. 1997 йили Тошкентда "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Минтақа давлатлари раҳбарлари мазкур ташаббусни бир овоздан қўллаб-қувватлади. Қолаверса, Президент Ислам Каримовнинг ушбу ташаббуси халқаро ҳамжамият, жумладан, БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланган. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Японияга буюрган расмий сафари чоғида ҳам Кунчиқар мамлакат ҳукумати Ўзбекистоннинг минтақамизда қуролидан холи зонага айлантириш йўлида амалга ошириётган сиёсатининг қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Айтиш керакки, минтақамизда ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш борасидаги шартномани тайёрлаш ишлари яқинги бошқариш кирган.

21 август кунини Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг БМТ Бош котибининг қуролидан холи зона масалалари бўйича ўринбосари Жаюта Дханапада билан Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувида ҳам ана

шу масала сўхбатнинг бош мавзуси бўлди.

— Биз сизни нафақат БМТ Бош котибининг ўринбосари, балки ядровий қуролидан холи зона бўйича йирик мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қўтарди. — Минтақамизда хавфсизлиги ва барқарорлигини мустақамлаш йўлида БМТ томонидан амалга оширилаётган барча сайёҳаркатларни Ўзбекистон ҳукумати юқори баҳолайди. Айтиш керакки, Ўзбекистон билан БМТ, шунингдек, унинг ҳузуридаги турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи барча ташкилотлар ўртасида ишончли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу ишонч келгуси ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига замин яратмоқда.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, БМТ Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсатини юқори баҳолаши ва кенг қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Сўхбат чоғида халқаро майдонда ва Марказий Осиёда ядровий қуролидан холи зонага айлантириш йўлида амалга ошириётган ишлар, минтақамиздаги вазият, Афғонистондаги тикланиш тadbирлари, террорчиликка қарши кураш ва бошқа қатор масалалар ҳусусида фикр алмашилди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

## Қонунлар тарғиботи кучайтирилди

Мухбиримиз Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг сессияси оралиғидаги иш фаолияти тўғрисида сўзлаб беришни сўраб, қўмита раиси Ахтам Тўрасуновга мурожаат қилди.



— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси 2002 йилнинг апрель ойидан август ойига қадар ўз фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширди. Яъни, қонунчилик, қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш, терроризмга қарши курашда халқаро тажриба алмашиш, амалдаги қонунларнинг тарғиботи, ташвиқоти, услубий ишлар ҳамда қонунчилик фаолияти юзасидан давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатини (ариза ва шикоятлар) кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ишлари амалга оширилди.

Қонунчилик фаолияти юзасидан қўмита томонидан ташкил қилинган ишчи гуруҳида «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қуроли Кучларининг резерви ва резервчиларини тайёрлаш тўғрисида» қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Бошқа қўмиталар томонидан Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси муҳокамага киритилган ўнга яқин қонун лойиҳалари юзасидан 90 дан ортиқ тақдир, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Утган давр ичда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» қонун ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, «Давлат chegarаси тўғрисида» қонуннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ижро этилиши, давлат

(Давоми 2-бетда).

## РАҚАМЛАР сўзласин

Бу йил Ўзбекистонда 5 миллион 330 минг тонна ғалла етиштирилди. Бу 1991 йилдагига қараганда қарийб 3 барабар кўпдир.

## «Кварц» истиқболу

Кувасой шахридаги «Кварц» акционерлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. 15 миллион 800 минг евро миқдорда хориз инвестицияси жалб этилган қорхонада жаҳон андозаларига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

«Кварц» акционерлик жамияти мамлакатимиз саноат тизимида ўз ўрнига эга. Қорхонада ишлаб чиқарилаётган силлиқланган ойналар, 34 хилдаги шиша илчилар, 16 турдаги банка хариддорларга манзур бўлмоқда.

Янги цех автомобиллар учун ойналар, темир йўл вагонлари, меъморчиликда қўлланиладиган безакли ойналар ва мебел ишлаб чиқарувчилар учун зарур бўлган чидамли, силлиқ ойна етказиб беради.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар силлиқланган ойна асосан Россия ва бошқа хоризий мамлакатлардан катта сарф-харажатлар ҳисобига олиб келинарди. Янги ишлаб чиқариш тармоғи бу борадаги овозгарчиликларга буткул барҳам беради.

Қорхона Италиянинг «Теквинт» фирмаси дастгоҳлари билан жиҳозланган. Бу ерда бир йилда 10 миллион квадрат метр, икки миллиметрдан 16 миллиметрча бўлган қалинликдаги силлиқланган ойна тайёрланади. Шунингдек, ойналарни керакли ўлчам ва кўринишда пардозлаш, ранг, гул солиш имкони мавжуд.

Янги ишлаб чиқариш тармоғининг куриб битказилиши натижасида 260 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги Италиядаги ойнасозлик заводларида малака ошириб қайтди.

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Қолганлари қорхонада фаолият олиб бораётган италиялик мутахассислардан янги касб сир-асрорларини ўрганмоқда.

— Мен мамлакатимиз иқтисодиёти, бутуни ва эртаси учун хизмат қилувчи қорхона ишчиси бўлганимдан фخرланаман, — дейди шиша пиширувчи Расулжон Мирзақодиров ўз ақибдорига. — Италия технологиясини тез ўзлаштириб олдик. Барча ишларимиз компьютер ёрдамида бажарилади. Қорхонамизда тайёрланаётган маҳсулот жаҳон андозаларига мос.

Цехнинг очилиш маросимида «Ўзбекистон Республикаси» акционерлик компанияси раиси Эркин Ахромов, Италиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Леопольдо Ферри де Ладара, Фарғона вилояти ҳокими Алишер Отабоев иштирок этди.

Р. КАМОЛОВ.

Ўқинг!

...17 йилдан сўнг уйига қайтди.

3-бет

«Тўппонча полдон»ни излай-излай «Деҳқон бозори»даги мўъжизани ошхонадан топдим...

4-бет

## Сўнгги хабарлар

### Халқаро нуфуздаги музей

Термиз Археология музейи Париждаги Халқаро музейлар кенгашига аъзо этиб қабул қилинди.

Муҳташам музейда Сурхон завмидан топилган ва музеевнинг тадқиқ этилмаган саҳифаларидан ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар ўрин олган. Музей залларини томоша қилган ҳар бир киши инсоният бешикларидан бири бўлган бу заминда яшган аجدдоларимиз, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, меҳнат ва уруш қуроллари, эътиқоди, моддий

### Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан икки давлат ўртасида техника ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Илмий тадқиқотлар учун бой маблағ бўлган музейда археология ва нуимзаматкага оид 15 мингдан зиёд ноёб экспонат мавжуд. Музей қошида илмий кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Унда юзга яқин ноидир қўлма ва адабиётлар сақланмоқда. Араб, форс, пуштун, туркий тилларда битилган, ҳали кенг жамоатчиликка яқин маълум бўлмаган бу асарлар ўз ўқувчилари ва тадқиқотчиларини кутмоқда.

### Техник ҳамкорлик йўлида

Бугунги кунда Япония Ўзбекистонга энг кўп сармоя ажратаётган давлат ҳисобланади. Мамлакатимизга шу вақтгача бир миллиард АҚШ долларидан зиёд япон инвестицияси жалб қилинган. Шу кунгача 500 нафарга яқин турли соҳа ходимлари қайта малака ошириш курсларида ўқитилган бўлса, 70 нафардан зиёд мутахассис Япониядаги олий ўқув қорғларининг магистратура йўналишида тахсил олиб қайтишди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги техника ёрдам кўрсатишдан ташқари грантлар ва кредит маблағлари ҳам ажратди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда 2003 йилга мўъжалланган янги техника иқтисодий лойиҳа атрофида кўриб чиқилди.

### Навоийда дўстлик фестивали

Республика Байналмилал маданият маркази «Манавилит ва маърифат» маркази ҳамда илмий ҳокимияти билан ҳамкорликда Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» ширини остида дўстлик фестивали ташкил этилди.

Фестивал доирасида «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда миллий истиқлол ғоясининг байналмилал моҳияти, мустақиллик ва эътиқод эркинлиги, миллий ғоя, миллатлараро аҳиллик ҳақида маълумотлар ўқилди.

Дўстлик байрами кечкувун «Сўғдиёна» стадионида давом этилди. Миллий маданият марказлари ва вилоят бадий жамоалари иштирокида байрам концерти намойиш қилинди.

Фестивалнинг Навоий шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Шаҳарда юзга яқин миклол ва элат вакиллари истиқомат қилади. Айтиш керакки, вилоятда рус, қозоқ, қорақалпоқ, қорейс, яҳудий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Миллий маданият марказлари халқ аъёнларини тиклаш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, мамлакатимизда қарор топган миллатлараро тотувлик муносабатларини янада мустақамлаш борасида халқни ишларни амалга оширмоқда.

Фестивалнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Б.Рўзиев, Ўзбекистон Қарамони А.Орипов иштирок этди.

### Тинглобчиларга — сертификатлар

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ахборот ва коммуникация вазирлиги билан ҳамкорликда қорейлик мутахассислар томонидан ташкил этилган.

Ушбу курсда жаҳон тиллари университетининг педагог ўқитувчилари ва 40 нафар талабалари компьютер асослари, интернет билан ишлаш ва веб сайт тузиш бўйича ўқитилди. Дарсларни Кореядан келган юқори малакали мутахассислар олиб боришди.

Корея ахборот ва коммуникация вазирлиги университетга бир неча дисклар, компьютер билан ишлаш учун турли дастурлар ва ўқув қўлланмаларини безарғ ёрдам тарида топширди. Курсларни тамомлаган талабаларга қорейликлар томонидан махсус сертификатлар ва эсдалик совғалари берилди.

## Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги



## ТОШКЕНТИМ, порлаган пойтахтсан бу кун

Ёхуд шаҳарда янги қурилган ва таъмирланган йўллар бўйлаб саёҳат

Озод ва обод Ватанимизнинг муқаддас остонаси бўлган Тошкент шаҳрининг, муаззам пойтахтимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муносиб ўрни ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Гўзал ва бетақорор шаҳарнинг кейинги йилларда янада чирой очиб, том маънодаги Шарқ дарвозаси, деган номига муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга гурур ва ифтихор бахш этади.

Тошкентни оби-ҳаёт билан таъминловчи наҳрлар, Айниқса, Бўзув ва унинг ирмоқлари — Золариқ, Қорасув, Соғлар, Кайковус, Анҳор, Қичқирқаб ва Қорақамин шаҳримиз кўчаларига файзу тароват бағишлаб турибди.

Қолаверса, пойтахтнинг жануби-шарқий дарвозаси айнан шу кўна дарё бўйида жойлашган ҳам ҳаммага аён. Ушбу дарвоза эса Тошкентни Фарғона vodiysi шаҳарлари ва Марказий Осиё давлатлари билан боғлайди.

Бу гапларни ҳужжалашдан мурод шунки, шаҳарнинг янги қурилган ва таъмирланган йўллари бўйлаб саёҳатимизни ўша томонлардан бошлангани лозим топилди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор, албатта...

Ислам КАРИМОВ.

Сиз «Ўзбекистон Республикаси» харитасини ўргангансизми? Ҳайрон бўлманг, у аслида мамлакатимиз ҳақидаги бебаҳо китоб. Харитани турли белги, шакл, ранг ва чизмаларга қараб, айтиш керакки, Тошкент шаҳри Ўзбекистон пойтахти эканлигини, у Тянь-шань тоғ тизмалари эта-

гиди, денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда, Чирчиқ дарёси vodiysидаги текисликда жойлашган, майдони 250 квадрат километрдан зиёд бўлиб, аҳолиси сонини 2 миллион кишидан кўпроқлигини дарров билиб оласиз.

Чирчиқ дарёси, табиийки,

(Давоми 2-бетда).

### Иқлим нега ўзгараётми?

Маълумки, минтақавий ва глобал иқлим ўзгаришлари натижасида кейинги пайтларда кузатилаётган экологик муаммолар жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Айниқса, Оврпоу мамлакатларидаги сув тошқинлари ушбу масалаларга эътиборни кучайтиришни тақозо этаётир.

Шу муносабат билан «Экосан» Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси ва «Экосан» Тошкент клуби «Бугунги куннинг глобал муаммолари: иқлим, сув ва атроф-муҳит» мавзусида давра сўхбати ўтказди.

Давра сўхбатида жиддий маълумотлар тилга олинди. Маълум бўлишича, 1860 йилдан то ҳозирги кунгача глобал ҳарорат 0,640,2° С даражагача кўтарилган. Бу асосан 1995-2000 йилларга тўғри келади. Иқлимнинг ўзгаришига эса атмосферада захарли газларнинг ортиб кетиши асосий сабаб бўлмоқда.

Янги маълумотларга қўра, глобал иқлимнинг таххисин шунинг кўрсаткичи, XX асрда Ер шарининг шимолӣ йип-

### «Халқ сўзи» назоратида

## Бошлиқ ишдан кетди

«Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 31 май сонида чоп этилган «Шартномачи субўтсиз бўлса...» сарлавҳали танқидий мақола Навоий вилояти ҳокимияти, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан атрофчида ўрганиб чиқилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Шартнома мажбуриятлари ижросини етарлича назорат олмагани учун вилоят шартнома мажбу-

риятлари бажарилишини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи М.Эшпазаров вазифасидан озод қилинди.


Камчиликларни тугатиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш вилоят ҳокимияти томонидан назорат қилиб борилади.

Ғ.АЛИЕВ,  
Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари.

ШАРТНОМАЧИ СУБЎТСИЗ БЎЛСА...

«Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 31 май сонида чоп этилган «Шартномачи субўтсиз бўлса...» сарлавҳали танқидий мақола Навоий вилояти ҳокимияти, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан атрофчида ўрганиб чиқилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Шартнома мажбуриятлари ижросини етарлича назорат олмагани учун вилоят шартнома мажбу-

«Халқ сўзи», ЎзА ва «Туркистон-пресс» мухбирлари.



(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлисининг IX сессияси олдидан

# Қонунлар тарғиботи кучайтирилди

Чегарасини ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашда аҳолининг ва «Чегара погонларини» жамоат тузилмаларининг ролини ошириш бўйича кўмитамизнинг 2001 йил 28 ноябрдаги 06/2-12 сонли қарори ижроси тўғрисида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Муҳофаза тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши ҳақидаги масалалар кўмита йиғилишларида кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кўмита томонидан олиб борилган таътирлик, ташвиқот ва услубий ишлар самарали бўлганини таъкидлаб ўтиш лозим. Фуқароларнинг озаки, ёзма мурожаатлари ўрганилди ва умумлаштирилиб берилди. Қатор ариза, шикоятлар кўриб

чиқилди, ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Ўқоринда таъкидланган ҳар икки қонуннинг амалда қўллашнинг айрим масалалари бўйича кўмита аъзолари Ж.Исмаилов, Гулнора ва Термиз шаҳарларида муҳофаза ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, Давлат чегарасини ҳимоя қилиш кўмитаси, нодавлат нотижор ташкилотлари ҳамда фуқаролар иштирокида семинарлар ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда қонун ташаббускорлиги ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларини муҳофиза қилишда Олий Мажлисининг қатор кўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман),

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, қонунчилик йўриқ, назорат-ахборот, матбуот ва таржималар бўлимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинди.

Кўмита раиси муҳофаза ва хавфсизлик масалалари бўйича халқаро тажрибаларини ўрганиш мақсадида Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Германия давлатларида хизмат сафарига бўлиб қайтди.

Шунингдек, кўмита аъзолари ўз сайлов округларида ўтказилаётган учрашувларда парламент фаолияти, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти билан сайловчиларнинг мунтазам равишда таништириб, эътиборини бўлажак парламент ислохотига, яъни икки палатали парламент масалаларига қаратмоқдалар.

# Мақсад — тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялаш

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш, унинг эркинлигини кафолатлаш ва бу борадаги мавжуд қонунларни ҳуқуқий жиҳатдан мукамаллаштириш, уларни жаҳон андозаларига мослаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Олий Мажлисининг Иқтисодийни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитаси навбатдаги сессия муҳокамасига яна қандай қонун лойиҳаларини тақдим этишни режалаштирмоқда? Унинг икки сессия ораллигидаги вазифалари нималардан иборат бўлди?

Муҳбиримиз ана шу ҳусузда сўзлаб беришни сўраб, кўмита раиси Муҳаммадjon УМАРАЛИЕВга мурожаат этди.

— Кўмитамиз иш режасига мувофиқ, навбатдаги Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилаётган янги қонун лойиҳалари бўйича тўрт маротаба йиғилиш ўтказилиб, унда олтинчи масала кўриб чиқилди. Хусусан, Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси билан биргаликда «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, Матбуот ва ахборот кўмитаси билан ҳамкорликда «Реклама тўғрисида»ги ҳамда «Қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари қайта кўриб чиқилди, улар навбатдаги сессия муҳокамасига тақдим этилмоқда. Шунингдек, бир қатор қонунларга айрим қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги тақдирлар кўриб чиқилди.

Бошқа кўмиталар томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари муҳокамасига қилиниб, хулосалар тақдим қилинди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаларини тайёрлаш давомида назорат-таҳлил фаолияти ҳам амалда

оширилмоқда. Жумладан, кўмита томонидан тайёрланган қонунларнинг ижросини таъминлаш жойларида қандай амалга оширилаётгани тўғрисида мажлислар ўтказилиб, бу борада вилоят ҳокимлари, вазирилик ва идора раҳбарларининг ахборотлари муҳофиза қилинмоқда. Хусусан, яқинда Халқаро ишлар ва парламентларaro алоқалар кўмитаси билан биргаликда «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси ҳамда кўмитанинг бу борадаги қўриқлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокамасига қилинди. Жумладан, унда вилоятдаги мавжуд 33 та қўшма корхонанинг атиги 10 фоизини четта маҳсулот экспорт қилётгани ҳақда туманлардаги кўпгина ҳокимликларнинг кўшма корхоналар билан боғлиқ фаолияти таҳлил остига олинди. Йиғилишда

тилга олиб ўтилган камчиликларни бартаф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди, кўмитанинг қарори қабул қилинди.

Шунингдек, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунни ҳаётга таъбиқ этиш, миллий сугурта бозорини ислоҳ қилиш, хизмат турларини ривожлантириш ва сугурталовчиларнинг касб маҳоратларини ошириш билан боғлиқ бўлган қўриқлар масалалар ҳам атрофлича муҳофиза қилинди. Мавжуд камчиликларни бартаф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, бугунги кунда республика сугурта компанияларининг 8,3 миллиард сўмга, айланма маблағлари 59 фоизга, сугурта шартномаларининг сони эса 12 миллиондан ошди.

Айни чоғда кўмита жойларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ички ишларига ноўрин аралашиб қолларига оид мурожаатларни ҳам ўрганиб бормоқда. Йўл қўйилган камчиликларни бартаф этиш ва уларнинг ижросини таъминлаш назоратга олинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида кўмита олдига маъсул ядвали вазифалар турбиди. Уларни ишчилик билан ҳал этиш устувор масалалардан саналади.

«Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ эътибор олди.

# Интилишлар акс этади

Олий Мажлис сессиясининг очилишига санокли кунлар қолмоқда. Сессия муҳокамасига киритилган масалалар ранг-баранг. Энг муҳими, раҳбардан тортиб оддий одамларгача — ҳамма янгиланаётган парламент фаолиятига қатта қизиқиш билан қараётганлиги навбатдаги анжуман олдидан ҳам кўзга ташланиб турибди.

Муҳбиримизнинг Қўмқўрган тумани ҳокими, Олий Мажлис депутаты Нормўмин ЧОРИЕВ билан сўхати ана шу ҳусузда.

— Олий Мажлис кун тартибига тақдим этилган масалалар муҳокамаси аллақачон бошлаб юборилган, десам хато бўлмас. Мен ўзим депутат сифатида «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳамда «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасига бағиндангина фикр алмашувларга қатнашдим. Хулоса қандай?

Бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ўз фаолиятини янада талабчанлик билан ёнашувни тақозо этмоқда.

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида ишларимиз, интилишларимиз моҳияти ва маромида қатта ўзгаришлар рўй берди. Статистиканинг туб аҳамияти, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ўзла-қўқ намойиш бўла бошлади. Статистика бу шунчаки рақамлар тўплами эмас. Статистика — қилган, қилаётган ишларимизнинг ҳолис, адо-

латли кўзгуси. Статистика тўғрисида янги қонун қабул қилиш заруратини мен ана шу омиллар билан изоҳлайман.

Муҳокаматга киритилаётган лойиҳада давлат статистика органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ёндоқилган, бир талай масалаларга ойдинлик киритилгани кўриниб турибди. Соҳани ривожлантириш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маънавий органи — статистика кенгашини ташкил этиш белгиланган. Кенгаш йиғилишларида вазирилик, давлат кўмиталари ва идоралари вакиллари-нинг ахборотларини эшитиб бориш, турган гап, иш сифати ва самараларини таъминлаш шартини таъминлашга эришиш имкониятларини кенгайтиради. Шу ўринда мен статистиканинг маънавий-маънавий жаҳондаги аҳамиятини ҳам таъкидламоқчиман. Мақ-таблардан бирига борагинида география ўқитувчисининг фаолияти билан қизиқдим. Тарих дersi ўқитиляшга

эътибор қилдим. Қарасам, ўқитувчилар туман иқтисодиётдан бехабар. Африканинг ҳудуди қанчалигини билишадми-ю, туманникини билишадми. Нега шунанга, десам, улар, туман ҳақидаги маълумоти биз қайси манбадан олайлик, деб арз қилишди.

Ўқитувчиларнинг эъти- зорида, ўйлаб қарасак, жон бор. Бу гап сайловчилар билан қилган сўхбатларимизда ҳам тилга олинганини эсладим. Хуллас, тизимда шунга ўхшаш муаммолар талайти- ни. Уларнинг ҳуқуқий ечим- ларини биргаликда излаб топсак, мақсадаги мувофиқ бўлади.

Навбатдаги сессияда «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этилмоқда.

Селекциячилик ижтимоий аҳамиятига молик соҳа. Бу ишга қизиқувчан ва ишти- рорлиқ биларни жалб эти бил- мок керак. Ана шундангина селекциячилик биз кутган натижаларни бера болайди. Ушбу қонун лойиҳаси пи- шик-пихта тайёрланган, деб ҳисоблайман. Унинг маъ- нуу-моҳияти ҳам чуқур. Зеро, ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукамал қонунларни тараққийоти жадаллашти- ришга хизмат қилади.

Сўхбатдош: О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

# Биринчи сәғҳат: ЧИРЧИҚ СОҲИЛЛАРИДА

«1968 йил 25 март. Биз, университетнинг бир гуруҳ студентлари курсдошимиз А.нинг туғилган кунини нишонлаш мақсадида «Чароғон» кўчасига бордик. Бу кўча Чирчиқ дарёси соҳилида, «Кўйлик» бозорининг юқори қисмида экан. Уни қидириб топганимиз бир азоб бўлди-ю, ҳам-курсимизнинг уйигагина етишимиз, яъни юз метрлик масо-фани босиб ўтишимиз эса ундан кўра ўн чандон оғир келди. Гап шундаки, йўлнинг торлигини кўя туринг, боғинга ёмири севалаб ўтган эмасми, кўча кета-кетунча лой, уйдим-чуқур эди. Устига устак, қил-вираб турган пахса деворлар, ҳақиқатан одамнинг бошига агариллиб тушаётганлиги, юра-гинда гулгула уйғотарди...

Истам исмли дўстимиз бўлгучи эди. У ўзи кўрган бир-роқ воқеа ёки ҳодисага ўша за-ҳотиёқ муносабат билдиради. Бу гап ҳам ўтиролмади: — Шу кўчада яшаётган кишиларнинг сабр-бардошига балли! — деди. — Ҳудди мазах қилгандай, унга «Чароғон» деб ном қўйганларига қуйили!» («Кўндалигим» са-ҳифаларида).

Бугунги кунда Истам Усмонов туғилган макони — Қашқадарёда яшайди. Яқинда у Тошкентга келганида, бир пилла чой баҳона гурун-лашиб ўтириб, яна «Чароғон» кўчасини эсладик.

— Бориб кўраим, — деди у. — Биз кўрган кўчадан, бил-сизми, ҳозир асар ҳам йўқ. Чорлевор кўчалар сунтуриб ташланиб, уларнинг ўрнида янги, кўна Шарқ мейморчи-лиги усулида «Бектемир» бозори қурилибди.

Курсдошим, шунингдек, бугун соғиб Кўйибишев шосе-си «Фаргона йўли» номи билан аталганини билгач, гоёт курсанд бўлганини айт-ди. Бор-йўғи ярим йил ичи-

да бу йўлнинг 5 километрдан зиёд қисми қайта қурилиб, анча кенгайтирилгани, мазкур йўналишда 4 километрлик янги трамвай йўли ҳамда «Фаргона йўли» билан Тошкент ай-данма йўли туташадиган жой-да 1200 метрлик кўприк бар-по этилганини кўриб, боши осмонга етганини ҳикоя қил-ди. Айни пайтда эски «Рисо-вий» бозори ўрнида қад рост-лаган замонавий «Фаргона бо-зори», янги-янги савдо дўхон-лари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат шохбачалари кўчаннинг ҳуснига-ҳуси қўша-етганлиги ҳақида оғиздан бол томиб сузланди.

— Ана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси фақат сўнги йилларда



# ТОШКЕНТИМ, порлаган пойтахтсан бу кун

юз бергани қимми севинтир-майди, дейсиз? — деди у пи-рориварида. — Илгари бундай ра-вал йўллар ҳатто тушимизга ҳам кирмаган эди, жўра.

Шу сўхбат навбатдаги са-ҳитимизга туртки берди.

# Иккинчи сәғҳат: ЭСКИ ШАҲАРНИНГ КЎРКУ САЛОБАТИ

« — Мана, Сиз газетда ишлайсиз, айтинг-чи, биз-нинг кўчамизга ҳам қачондир сон тегармикин? —

— Албатта. Атоқли рус ёзувчиси Чехов айтган экан, «Ҳали шундай кунлар келад-ди, ором оламмиз» деб.

(Эски шаҳарнинг «Чига-тов» кўчасидаги 118-уйда бўлган сўхбат).

Ҳақиқатан ҳам, бундан ати-ги 8-9 йил аввал Тошкент-нинг Эски шаҳар ҳудудида ободончилик ва бу ерда яшов-

чи қарийб 700 минг киши учун муносиб шароит яратиб бериш масаласида ачинарли аҳвол ҳукми сурарди. Эсимда, Президентимиз 1994 йил 15 июль кунини бўлиб ўтган Тош-кент шаҳар Кенгаши сессия-сида сузлаган нутқида транс-порт масаласи ҳусусида ало-ҳида тўхталиб, жумладан шун-дай деган эди: «Эски шаҳар кўчаларини яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказайлик: ахир, бу кўчаларда автобус ёки троллейбус юрса — одам юромайди, одам юрса — ав-тобус ёки троллейбус юро-майди. Жазирема ёё иссиғида одам боласи жон сақлаб тур-адиган бирорта тузукроқ бекат ҳам йўқ. Менимча, шаҳар ҳокимлиги бу масалани жи-дий ўрганиб, зудлик билан чора кўриши лозим».

Орадан кўп вақт ўтмай эса, Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳарининг эски ша-ҳар қисминини қайта қуриш ва

обод қилиш тўғрисида»ги қаро-ри қабул қилинди. Бу ҳуж-жатта бином, мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қис-минини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назор-ат қилувчи республика комис-сияси ташкил этилди. Комис-сиянинг ҳар ойда бўлиб ўта-диган мажлисида ҳукумат қаро-ри талабларининг қандай ба-жарилаётгани ҳақидаги масала муҳофиза қилиниб, тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тинтилди. Чун-ки улкан дастурни ижро эти-шига нафрат шаҳардаги йи-рик қурилиш ташкилотлари, балки пойтахт ҳудудида жой-лашган барча вазириликлар, идоралар, концернлар, уюш-малар, саноят корхоналари ҳам жалб қилинган эди. Айниқса, «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Ўзэманотфурқоқурилиш» уюшмалари, республика Ме-лиорация ва сув ҳужалити ва-зирилиги, шунингдек, «Ўзёғоч-

сановат», «Ўзтранскүрилиш», «Ўзавтоўй» каби ташкилот-ларнинг жамолари бу борада фаол қатнашдилар. Натижая гоёт қисқа мудат ичида «Са-ғбон», «Корсароли», «Чимбой» ва Форобий кўчалари кенга-йтирилиб, троллейбус ва трам-вай линиялари тортилди. Ҳа-то ана шу йўлларнинг ҳар икки четида яшил майсалар ўстирилиб, пиледалар учун мах-сус йўлақлар барпо этилди.

Эски шаҳарнинг адоқроғи — Талабалар шаҳарчасидан қайтишимизда чор-атрофта қоронғилик чўккан эди. Аммо Форобий кўчасини неон чи-роқлари, бамисоли кундузги-дек, нурафшон этиб турарди.

— Мана бу кўчани чилдан ҳам «Чароғон» деса бўлади! — деди дўстим ажиб бир завқ билан.

Иқром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар. (Давоми бор).



# Тўёнага янги коллеж

Наманган шаҳри кейинги йилларда ўзгариб кетди. Чиройли, замонавий бинолар, фаворалар, хиё-бонлар ва равон кўчаларни кўриб, кишининг кўзи қувнайди. Ушбу бунёдкорлик ишларини амалга оширишга шаҳар қурилиш акциядорлик компания-си қарашли 5-қурилиш-монтаж бошқармаси аъзо-ларининг муносиб ҳиссаси бор. Мамлакатимиз му-стақиллигининг 11 йиллик байрамига ҳам жамоа аълоийи соғва тайёрлади. Улар айёмига касб-ҳунар йўналишидаги коллежни қуриб, фойдаланишга топ-шириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Би-лим масканига 1050 ўқувчи тахсил олади. Етоқхо-на, спорт зали ва бошқа хоналар талабалар ихтиё-рида бўлади.



Тоҳиржон ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.

СУРАТЛАРДА: шаҳар қурилиш акциядорлик ком-панияси раиси Жамолжон Маматжонов курувчилар Сергей Корчагин, Садриддин Нишонов ва Муҳам-мад Кўчқоров билан сўхбатлашмоқда; Нуриддин Валхонев ўз ишнинг усталаридан; коллеж би-носининг умумий кўрилиши.



# Иқлим нега ўзгараётми?

(Давоми. Боши 1-бетда)

нинг илқлашганиги туфайли кўп ва дарёлар саҳли кўтарили-пти. Баҳор ва ёз ойларида ден-гиз муз қатламлари ўтган аср-нинг 30-йилларидан бошлаб то ҳозиргача 10-15 фоизга қисқар-ган бўлса, Арктикада денгиз муз қатламларининг қалинлиги 40 фоизга копкалашган.

Егингарчилик шимолдаи яримларда ўрта ва юқори кенг-ликларда сўнги 10 йил ичи-да 0,5-1 фоизга кўпайган, шу билан бирга субтропик кенг-ликларнинг катта қисмида 0,3 фоизга камайган. Ер шарин-инг баъзи ҳудудларида эса интенсив ва экстремал ёғин-

гарчиликларнинг сони кескин кўпайди.

Марказий Осиёда иқлим-нинг ўзгариши ўртача ҳаро-ратда бир нхда кўтарилишни қайд этилмоқда. Тоғли ҳудуд-ларда ҳароратнинг 1-2 дара-жага илқлашганиги кузати-лмоқда. Кузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, минтақада қор туғиланиши камаймоқда ва музликларнинг емирлигиши кўпайиб бормоқда. Кейинги 31 йил мобайнида Абрамов музиги 21 метр қўқ ҳамини йўқотди. Умуман, 1957-1980 йилларда Помир, Олой тоғ тизмасида 126 метр қўқ музлик эриб кетган. Бу муз захирасининг 19 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистонда метеорологик кузатишлар бундан 100 йил ав-вал бошланганли. Айни вақтда, мамлакатимизда 87 та метеоро-логик ва 120 та пирологик стан-ция иш олиб бормоқда. Юрти-мизда Марказий Осиё минтақа-си иқлимини ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқи-қотлар ўз самарасини бермоқда.

Анжуманида иқлимни до-имий ўрганиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Исо-ҳаннесбургда бўлиб ўтадиган Жаҳон саммитида «Экосан» жамғармаси томонидан тайёр-лангандаги маъруза бўй қатор тақдирлар киритиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Муфтилло ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислохот оидмлари

# ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИ

деҳқонларга қўл келди, кимё корхоналари қувватини оширди

Олис Қизилқум сарҳалдан-нинг қоқ беида жойлаш-ган афсонавий Зарафшон шаҳрига саккиз чакирим қол-ганда улкан сановат корхона-сига дуч келасиз. У муста-қиллик туфайли қад ростлаёт-ган Марказий Осиёда ягона Қизилқум фосфорит комби-натидир.

Ҳақиқий мўъжиза дейсиз уни. Атрофдаги дов-дарак-ларни кўриб ҳайратингиз ошади. Ахир, тап-тақир чўлда шундай салобатли ишончини ҳам, гузаллигини ҳам тасав-вур этиш қийин-да.

Ана шу ишонч 4 йилдир-ки, мамлакатимиз иқтисоди-ётининг мустақам таянчи си-фатида хизмат қилмоқда. Эн-диликда унинг XXI аср ин-дустриясининг байроқдори дейишни ҳам бежиз эмас.

1998 йилда комбинатнинг биринчи навбати ишга туши-рилган эди. Швейцариянинг «Сведала» фирмасидан келти-рилиб ўрнатилган асбоб-ус-куналар ёрдамида рудани қай-та ишлаб, йилга 300 минг тонна бойитилмаган фосфо-рит уни тайёрлашга кири-шилди. Янги маҳсулотта та-лаб кун сайин ошиб бора-верди.

Замонавий асбоб-ускуна-ларга ҳайрат-ла тикиламиз. Автоматлашган линиялар бир маромада гуриллайди. Тоза-лик, орасталлик диққатингиз-ни тортади. Бошқарув пуль-тлари олдиданги ёш мутахас-сислар компьютер экранлар-ида ҳосил бўлаётган ўзгариш-ларни кузатиб туришибди.

Корхона ҳозир ҳам улкан қурилиш майдонини эслата-ди. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, янги қурилма-лар ўрнатилмоқда, цехлар сони кўпайтирилди. Ма-данлий-маиший бинолар буй чўзаяпти, ободонлаштириш-га эътибор катта.

Яқин орада корхона қув-вати белгиланган меъёрга ета-ди, аграр сектор фосфорити ўғиллар билан тўлиқ таъмин-ланади. Бугина эмас, экспорт имконияти ҳам кенгайди.

Аммо жамоа олдига янада муҳимроқ вазифа — бойитил-ган фосфорит концентрати ишлаб чиқариш йўлини то-пиш турари. Иланишлар ўз самарасини бери. Олмония-нинг «Крупн Полезнус» фир-маси лойиҳаси бўйича қуй-дириш асбоб-ускуналари ўрнатилди. Россиянинг «Гор-нозаводчик» корхонаси ўз те-хнологияси билан ёрдам кўрсатади. Бугундай янги, ер-юзиданги бирор жойда учра-майган технология вужуд-га келди. Мутахассисларнинг тажрибалари, ҳамкорлар би-лан мустақам алоқадли сай-ҳаракатлари туфайли қуйди-риш қурилишларида бойитил-ган фосфорит уни тайёрлаш имконияти яратилди. Бунинг устига, корхона қуввати бир неча баравар ошди.

Утган йил Наврўз байра-

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ФЕРМЕРАЛАР КЎМАККА КЕЛИШДИ

Қарши туманидаги Отамурод Очилов номли мактаб-нинг тулиқ қайта таъмирлаш ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашни қишлоқдаги фермерлар ўз зимма-сига олди.

Ун саккиз нафар фермернинг ҳар бири мактаб ҳисоб рақамига 50 мингдан 150 минг сўмгача маблағ ўтказиб берди. Маънавий ва маърифат ҳонаси, ошхона, синфхона-лар таъмирдан чиқарилди. Янги стадион, спорт зали қуришди. Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

**Энг кекса ҳаво акробатчиси**

Британиялик Лес Силс исмли қария учаётган самолёт қанотида спортчи сифатида маҳоратини кўрсатиб, Гиннес китобига энг кекса ҳаво акробатчиси сифатида киритилди. У ҳозир 88 ёшда.

**Танклар қочоқлар лагериди**

Исроил танклари вертолётлар ёрдамида Газа секторидидаги Хан-Юнис шаҳридаги қочоқлар лагерига кирган. Бунинг натижасида бир фаластинлик ҳалок бўлган, 6 нафари жароҳатланган. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, лагерга 20 га яқин танк киритилган. Исроил ҳарбийларининг фикрича, террорчилар томонидан ўт очиш нуқтаси сифатида фойдаланилган бинонинг бузиш пайтида бир фаластинлик қурбон бўлди.


**Омонатчилар норози**

Британиядаги «Financial Times» газетасининг хабар беришича, Саудия Арабистони АҚШ иқтисодиётига киритган маблағ миқдорини анча камайтирган. Америка Ар-Риднинг террорчилар билан алоқаси бор деб гумон қилаётганидан норози бўлган саудиялик омонатчилар ўтган йилнинг 11 сентябридан буён АҚШнинг банк ва компанияларидан тахминан 200 миллиард долларни қайтариб олишди. «Газета ру»нинг маълумотига қараганда, саудиялик мутахассислар қирол Фаҳд фуқароларининг Америка иқтисодиётида тахминан 600 миллиард доллар бор, деб ҳисоблашмоқда. Улар орасида энг йирик омонатчилар қирол оиласи ва ҳукуматдир.

**Комиссия кўриб чиқади**



УЕФА комиссияси эндиликда Европа чемпионати ўтказиладиган ўйингоҳларда, нафақат майдонларнинг яроқлилигини, балки махсус хизмат вакиллариининг террорчиликка қарши хатти-ҳаракатларини ҳам кўриб чиқади.



**Тамаку рекламаси тақиқланади**

Малайзия ҳукумати келгуси йилдан бошлаб мамлакатда тамаку рекламасини тақиқлади. Шунингдек, тамаку маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ҳар қандай тадбирларга ҳомилийк қилиши ҳам ман этилади. Бундан фақат футбол ўйинлари ва «Формула-1» мусобақалари мустақило.

**17 йилдан сўнг...**

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабарига кўра, вьетнамлик аскар Нгуен Ван Бин 17 йилдан сўнг уйига қайтди. У кўшни давлатда «Қизил кхмерлар»га қарши кўзголонда қатнашган эди. Ўшанда у бедарак йўқолган. Қидирув ишлари натижасиз тугагач, Бин ҳалок бўлган деган хулосага келинди. Аммо оғир яраланган аскар тирик қолди. Лекин жароҳати туфайли амнезия билан касалланди. Ва шу туфайли унда хотира бутунлай йўқолди. Бир неча йил у шифохонада даволанди. Тан жароҳатлари тугалгач, у мамлакат жанубида Знонг исми билан яшади. Аммо сўнги пайтларда унинг хотираси қайта бошлади ва ўзи яшаган кишлоғининг номи, онасининг, рафиқаси ва болаларининг исмини эслади. Бир неча кун аввал Бин оиласига қайтиб келди.

**Суиқасднинг олди олинди**

Колумбия мамлакати Бош прокурори Луис Камильо Осориога уюштирилган суиқасднинг олди олинди. Прокурор почта орқали олган китобнинг ичидан портловчи ускуна топилди. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, полициячилар ушбу жиноятда «Колумбия инқилоб қуролли кучлари» ташиқлотининг кўли бор, деб тахмин қилишмоқда.

**Авиаҳалокат оқибатлари**

Чеченистонда «Ми-26» русумли вертолёт ҳалокати оқибатида қурбон бўлганларнинг сони айтилди. 115 кишини ташкил этмоқда. Россия Федерацияси Бош прокурорининг ўринбосари Сергей Фридинский ҳалокат жойи яқинида «Стрела» зенит ракетасининг қолдиқлари топилганини таъкидлади. Унинг айтишича, қидирув ишлари давом этмоқда.

«Интерфакс» агентлигининг маълумотига кўра, Хонкалда ҳалокатга ураган вертолётда 147 киши бўлган.

**Саққуз киши гаровда**

Филиппиннинг Хопо оролида «Абу-Сайф» исмиги гуруҳи 8 кишини гаровга олган. Патигул шаҳар ҳокимиятининг маълум қилишича, ўғирланган 5 нафар аёл ва уч нафар эркек филиппинликлар бўлиб, бу сўнги ярим йил ичидида биринчи ҳодисадир. «Ассошиэтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра, ҳозирча жиноятчиларнинг мақсади аниқ эмас.

«Интернет» хабарлари асосида Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

**САВОЛ БИЗДАН...**

Дунёдаги энг жанубий шаҳар қайси?

136-35-60

Кечги сонда берилган саволнинг жавоби: Миср, Судан.

**Савдо тизими**

Маълумки, республикаимиз аҳолисининг 62 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш, қишлоқда савдо-сотиқни маданиятга йўлга қўйиш мамлакатимиздаги йирик акциядорлик компанияларидан бири — «Ўзбекбирлашув» зиммасида. Кейинги йилларда унинг фаолиятида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланганлиги ва бу жараён ўз самарасини бераётганлиги кўзга ташланади.

Бугунги кунда соҳада ислохотлар жараёни қандай кечмоқда, ўзгаришлар, янгиланишларга қандай эришилапти, қишлоқдаги хариддорларга қўнғилдагидек савдо хизмати кўрсатиш учун бор имкониятлардан фойдаланилганми? Мухбиримиз ана шундай саволлар билан «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раиси Маримбой Саъдуллаевич БЕКЧОНОВга мурожаат этди.

**«Келажакка ишонч билан боқамиз»**

— Мустақиллик мамлакатимизда савдо тизимини буткул ислох қилиш учун имкониятлар эгитини кенг очиб берди. Авваламбор, савдо соҳасида эмин-эркин фаолият юритадиган мулкдорлар синфи шаклланди. Уларнинг қар-қиммати жойига қўйилди. Эски тизимда уларга бошқача қўз билан қаралгани сир эмас. Энди улар аҳолининг қулайлик эhtiёжини қондиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий шахс ҳисобланади. Халқимизнинг ҳаёти фаровонлашиб, кўркамлашиб боришига кўмаклашадиган, белгилаб олган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун масъулият ҳис этидиган касб эгалари улар. Зеро, ота-боболаримиз, қадимги савдогарлар ҳам шу савобли ишлар билан шуғулланганлар.

Аввало, олдинги маълумот кооперативлари базисида очик турлаган акционерлик жамиятлари ташкил этилди. Қишлоқ дўконлари хусусийлаштирилди. Бу — соҳа ҳодимларини янгича фикрлашга, янгича ишлашга, мулкдорларга хос масъулиятли бўлишга ундади. Натижада шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги, шунингдек, саноат билан қишлоқ ҳўжаллиги орасидаги товар алоқалари кенгайди ва мустақамланди. Ислохотлар амалга оширилди бесама, келажакга йўқ қорхоналар умуман тугатилди. Бугун ишимизда фақат ижобий сўзлар бор. Эндиликда тармоқда 9323 та дўкон ва умумий оқватланши қорхоналари, 179 та халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қорхоналар, 137 та бурлоқчилик ҳўжаллиги, 164 та тайёрлов идорлари фаолият юритапти. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолига хизмат қилади, уларни ҳеч нарсага зориқтириб қўймайди. Уларга савдо хизмати кўрсатиш мақсадида жойларда «Супермаркет», «Минимаркет» тиниладиган дўконлар ташкил этилди. Улар замонавий савдо ускуналари билан жиҳозланган. Жорий йилда 25,0 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 3,3 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Шунингдек, 1 миллион тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тайёрлаб, шундан бир қисми четга экспорт қилинади.

Ўтган ярим йилликда Қува ишлаб чиқариш комбинатини янги технология билан таъминлаш мақсадида 1,7 миллион АҚШ доллар миқдорда чет эл инвестицияси жалб этилди. Келажакда янги технология асосида 4 хил, четдан келтирилмаган қандолат маҳсулоти ўзинининг хомаёбдан ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Шунингдек, 8 та қўшма қорхона ташкил этилди. Шу кунларда яна бир қўшма қорхона ташкил этиш учун иш олиб борилапти. Шунингдек, яна 4 та лойиҳа устида



иш олиб борилапти. Бу лойиҳаларни чет эл инвестицияси асосида амалга ошириш кўзда тутилган. Булар ислохотлар самараси, албатта.

Шунингдек, қишлоқда қишлоқ керакли, ҳамдўстлик мамлакатларида савдо уйлари фаолият юритмоқда. Хориз фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўтган йили Россия ва Қозғоғистонга 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Экспорт қилинадиган маҳсулот турини кўпайтиришни режалаштиряптимиз. Масалан, қовун қоқи тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Ўзбекистонда, яқинда Қуйи Чирчиқ туманидаги Абай номи ширкат ҳўжаллигини, ҳатто қарзлари борлигига қарамастан ўз қарамогимизга олдик. Натижа ёмон бўлмади. Бугун, шолчи экиб, мўл ҳосил олаётимиз, чорвани кўпайтирмаймиз. Бу, биринчидан, фойда келтир

килдайдилар. Биз ҳам шу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшяптим.

— Тармоқда 61 минг нафардан зиёд киши меҳнат қиладиган экан. Уларнинг дам олиши, ҳўрлик чиқариши учун қандай шароит яратилган?

— «Матлуботчи», «Хумсон», Наманган вилояти ва Қоракўлпоғистондаги санаторийлар ва бошқа дам олиш уйларида улар учун барча шарт-шароит мўжайди. Уларнинг фарзандлари ҳам эhtiбордан четда қолмаган. 8 та болалар оромгоҳлари мавжуд бўлиб, бу ерда дам олишга келадиган болаларга 90 фойз бепул йўлданлар берилди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ҳўкуматимиз ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб етиштиришга уларнинг ҳўжамизга қўшилди. Шу ишга бош қўйиш мақсадида барча қишлоқ мактаблари,

**Минтақаларо сув қувурларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўйича бош дирекцияси**

**«KOMMUNALLIZING»**

давлат ташқи иқтисодий унитар қорхонаси



**АВТОКРАН — (1 дона)**

етказиб бериш бўйича

**ТЕНДЕР**

ЭЪЛОН қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги

Ташқи иқтисодий унитар қорхонаси

Қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700035, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй, 607, 608, 635-хоналар.

Телефонлар: 34-07-21, 34-12-78, факс: 133-05-42, ички телефонлар: 4-64, 4-68, 4-49.

Республикаимизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири — акциядорлик тижорат

**«Пахта Банк»**

Ўз акциядорлари ва миқозларини, бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаятган мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Шу муносабат билан 2002 йил 20 августдан эътиборан 10 сентябрга қадар 6,5 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 50 фоиз даромад тўланадиган манфаатли ва қулай бўлган «МУҚАДДАС ЗАМИН» муддатли жамғарма омонат турини тақлиф этади.

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра, фоизли даромадингизни биринчи бор 45 кун тўлиши билан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 78-10-32, 173-25-56.

«Пахта Банк» сизларга соғлиқ, хуш кайфият ва оилавий қувонч тилайди!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

2002 йил учун докторантура, аспирантура ва клиник ординатурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

**Докторантурага:** асаб касалликлари (1), анестезиология ва реаниматология (1).

**Аспирантурага:** акушерлик ва гинекология (1), ички касалликлар (1), кўз касалликлари (1), асаб касалликлари (1), психиатрия (1), гематология ва қон қуйиш (1), анестезиология ва реаниматология (1).

**Мақсадли аспирантурага:** кўз касалликлари (1), асаб касалликлари (1), онкология (1), психиатрия (1), анестезиология ва реаниматология (1).

**Клиник ординатурага:** акушерлик ва гинекология — «мақсадли» — 10.

	Бюджет	Контракт
Юқумли касалликлар	2	2
патология анатомия	1	1
психиатрия	1	1
нур ташқиси ва нур терапияси	1	1
стоматология (ортопедик)	3	3
стоматология (хирургик)	3	3
суд тиббиёти	1	1
фтизиатрия	1	1
гематология ва қон қуйиш	2	2
кураторология ва физиотерапия	3	3
анестезиология ва реаниматология	2	2
пульмонология	2	2
наркология	1	1

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй, докторантура, аспирантура ва клиник ординатура бўлими.

Телефонлар: 68-26-38, 68-25-49.

9.00 дан 18.00 гача

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

136-09-25

132-10-63

256-хона

Гурунг

Полнинг марказий стадионида белбогли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчилиги ўтказилаётган пайт. Кўзим сирдарёлик полвонлар устози Қудрат Турдиевга тушди. Уни илгаридан танийман. Қўқон давлат педагогика институтига бирга ўқиганмиз. — Полликларни яхши биламан, — дейди у, — зўр йигитлар. Ўзган Назаров, Ғайрат Ҳожиматов, Эшон полвон, Алишер полвон... Эркинпўлат полвоним бор. Уни «Тўппонча полвон» дейишарди. Ўзи кичкина, ихчамгина ёқимтой йигиту, лекин бел олишганда даст кўтариб отар эди-да. Ҳамма қойил қоларди. Гиламга чиқса бўлди, ҳаммаёқни қарсақ босиб кетарди.

Сирдарёлик полвоннинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Наҳотки шу кичкинагина Попа шунча полвонлар бўлса. Уларни ҳатто сирдарёликлар ҳам таниб, номлари-гача билдишса-ю, шу ердаги-лар — биз ўзимиз яхши бил-масак. Мен сирдарёликлар мураб-бийсининг ҳурмат-эътибори-ни қозонган «Тўппонча пол-вон»ни излай-излай «Деҳқон бозори»даги мўъжазгина ош-



Ўзбек кураши кенг даврага кўчди.

# «ТўППОНЧА ПОЛВОН»

хондан топдим. Дилдан сўх-батлашдик. — Курашга қайдай кириб келгансиз? Боз устига чемпи-он ҳам бўлган экансиз? — Кураш жуда қизиқ нар-са-да. Бир амакни борлар. Ғайратпўлат дейишди. У киши кичкинагина бўлганда «мана шу соврин — ютганга» деб бизни курашга солар эди-лар. Дадам раҳматли томоша қилиб, қулиб ўтирарди. Ва ҳар замонада «Янашор, ота

кистон ва икки мартаба Ўрта Осиё чемпиони бўлдим. — «Тўппонча полвон» но-мини қандай олгансиз? — Тарихи қизиқ. Балиқчи-дан Егоч полвон, Наманган-дан Алишер полвон, Тўрақўр-гондан Неймат полвон, тош-кентлик Камариддин полвон деганлар давра қуришди. Мен жуда яхши курашдим. Қар-саквозлик бўлиб кетди. Шу пайт десангиз, Этамберди пол-вон даврага чиқиб келди.

бим ҳам роса усулларимни ўрганган экан. Вақт ўтиб бо-раяпти. Шу пайт мураббий Ўзган акам гилам ёнига ке-либ қичқирди. «Харакатингни қил, 30 сония вақт қолди, 7:1 га ютказаясан», деди. Ас-лида мен ҳеч қачон очқолар ҳисобига ютмаганман. Фақат ҳалол қўтариб уриб, елкасини ерга теккизганман. Бирдан қандай илҳом келди, билмай-ман денг, гиламнинг бу то-монидан даст кўтариб айлан-

тириб, нариги томонга олиб бориб ерга урибман.

— Кейин ҳам кураш туш-дингизми?

— Ҳа, бир сафар Наман-ганга гул байрамга борсам, кураш ўтказилаётган экан. Тўшбуқдан келган полвон ҳаммани йўқитаведи. Унга талабгор чиқмади. Бирдан полвоннинг кўзи менга тушиб қолди. Мен шу йигит билан тушаман, деб қўлимдан суд-раб олиб чиқди. Бир тўн бил-лан белбоғ келтирдилар. Гап-нинг тўғриси, қўлим белига зўра етди. У меннинг чапдаст-лигимни кутмаган эканми, бир-икки марта силкиди, хо-лос. «Ё пирим!» — деб даст кўтариб, қандай қилиб қипқиза урганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ана, қий-қириқ! Полвонни ўридан турғизиб, юз-бетларини ар-тиб, чопонларини қоқиб қўйдим. У ҳақамга: «Яна бош-қа тушаман», — деди. Лекин ҳақам ҳам, томошбинлар ҳам рози бўлишмади. Сунтра яна учта талабгор чиқди, учаласи-ни ҳам йўқитдим.

— Полвонларни жуда ҳам содда, шунонувчан, дейишди.

— Ҳа, бир сафар Фарғонага борган эдик 6 кишидан 4 та-миз чемпиони бўлдик. Кейин ҳамма мураббийлар, мусоба-қачилар тўпланиб, ош қил-дик. Шунда мураббийлардан бири: «Бу дейман, поллик полвонлар қарсга борса толиб. Бунинг қандайдир бирор сири бўлса керак-а?» — деб қолди.

— Тўғри, — дедилар Ўзган акам ҳам жиддий туриб, — лекин уни айтиб бўлмай-ди. Майли, сиз билан бир неча йиллик қадронимиз, сиз-га айтиб қўя қолай, аммо би-ровга айтмайман. Полвоннинг асосий қуввати белда бўла-ди. Бел бақувват бўлса, уни ҳеч ким енга олмайдди. Мен асосан бел машиқга эътибор-ни кўпроқ қаратаман. Бу жуда ҳам оддий ва осон: болалар-ни ҳар кун сузиш бассей-нига олиб бориб, арқон бил-лан оёқларидан боғлаб, бош-лари билан сувга кириб кета-диган даражада қилиб икки соат осиб қўяман. Улар сувга димиқмайлик, деб белларини букиб қўйиб юбориб, букиб қўйиб юбориб, тўлғониб, ўзларидан ўзлари машқ бажа-радилар ва натижада бел ба-қувват бўлади.

Ошдан кейин ҳалиги му-раббий Ўзган акамни бозорга судради. Арқонни қанақасидан танлайликки, болаларнинг оёқларини қўйиб юбормасин. Ўзган акам «Ҳазиллашим», деб зўра қутулдилар. Мен бу ажойиб, хушфелъ полвон билан хайрашар эканман, сирдарёлик мураб-бийнинг сўзларини эсладим. Дарҳақиқат, Поппан шу му-собақалда ўз вази тоифаларига кўра иккита ёш полвон — А. Ҳўжаматов ва И. Умаров-лар голиблик шохсупасига кўтаришди.

Ҳайитбой ЭРҒАШЕВ.

## «Қариялар — эл фахри, юрт ифтихори» танловига

Маҳалла оқсоқолининг том маънодаги обрў-эътибори Мустақиллик туфайли янгича мазмун касб этди. Эски урф-одатларимиз, удулларимиз яна юзага қалқиб чиқди. Лугатимиз ўзини ўзи бошқариш, маҳалла бюджети, маҳалла посбони, «кўча оқсоқоли» деган тушунчалар билан бойиди. Кўп нарсалар ёддан кўтарилган экан. Собиқ ту-зумнинг кириб бормаган жойи қолмаган, ҳатто маҳалла ва унинг бошқаруви масаласини ҳам дав-лат жиловлаб олган экан.

Булнинг ҳаммасига вақт топиб, маври-ди билан ҳодлашиб чиқиш ке-рак. Вақтин тўри тақсимла-са, улгуриш қийин. Оқсоқол идорада ўтириб олиб ишни қотибага айтиб, ҳал қиладиган тўралардан эмас. Тушган аризаларни ёки шикоят хатларини асл ҳолида кўриб чиқиши, ўз кўзи бил-ан кўриши лозим.

Бирортанинг ҳовлисига кирдим, бас, ишини тугат-ган, атрофга, албатта, бир разм солиб чиқади. Узумни хо-м-ток қилиш вақти бўлибди ёки экин сувираб қолибди, да-рахтнинг мана бу шохларини кесиб ташланг ва тагини оқлаб қўйинг... ва ҳоказо маслаҳат-ларини ҳам аямайди. Чунки Абдусаттор Абдураҳмонов олий маълумотли агроном, Боевда Усмон Юсупов бил-ан бақамти елкасига қопда тупроқ кўтариб, бог яратган-лардан. У. Юсупов уй-музейи-га раҳбарлик қилганида икки гектарлик боғни ҳам ўзи ярат-ган, парваришлаган. Уни ҳам шундоққина музейнинг ёни-насида. Ҳар кунги бир кириб дархатларни бутаб, тагларини юмшатиб, сув ҳам қўйиб чи-қади. Мана, 6 йилдирки, «Ме-зон» маҳалласининг оқсоқоли. У доимо озодалликка, тозалик-ка, фаровон турмуш тарзини яратганга интилади.

Оқсоқолнинг уйига кир-сам, ҳар доим ё газета ёки китоб мурола қилаётганли-гини кўраман. — Китоб — ҳазина. Бой-лик, — дейди Абдусаттор ака. — Аммо жавонада турарсиз, унинг бир чақалик қадри ҳам, баҳоси ҳам бўлмайди. Уни ўқшасан, ҳазина ер тағдида ётганда ҳазина эмас, қовлаб, меҳнат қилиб олинганда ҳақиқий ёмғирга айланади. Биз фарзандларимизни ҳам ана шунга ўргатишимиз керак. Айниқса, ёшларимиз тарихи-миз ҳақида яхши ўқишлари керак. Шукри, Мустақиллик бўлиб, тарихимизни ҳам буюб-бежамай ўқийдиган бўладик.

Хуллас, оқсоқол билан гап-лашсангиз, енгил тортасиз, маънавий бойиқсиз ва таби-ийки, у билан яна ва яна сўх-батлашгингиз келаверади. Оқнарабоси бор оқсоқоллар, яхши одамлар кўпаяверсин!

Солижон БОЙМАТОВ, «Маънавият ва маърифат» маркази Янгийўл шаҳар бўлими раҳбари.



Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## Дийдорлашувга не етсин

— Шу кунларга етказганига, кўрсатганига шукур... — Тинч, оёйишга яшаётганимизга шукрона... — Биз каби қарияларни қадрлаганларнинг қадри ҳамиша улғ бўлсин... Чаққолашиб ўтирсан бу фаритасифат отахонларнинг ҳар учрашувдаги илк дупфлари шундай бўлади. Улар шаҳримизнинг Зарқайнар маҳалласида яшовчи нурунийлар: Абдураззоқ Қаюмов, Раҳимжон Соатов, Файзулла Аҳмедовлардир. Маҳалла-қўй юмушларига бош-қош бундай қарияларимиз оилалари бахтига, эл-юрт бахтига ҳамиша соғ-омон бўлсин.

### ҚУРМАТЛИ СОТУВЧИ ВА ХАРИДОРЛАР!

## «ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»

«Отчопар буюм бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга яратилган шароитларни яхшилаш, савдони замонавий усулларда ташкил этиш, савдо жойларини қайта жиҳозлаш, бозор ҳудудини ободонлаштириш ҳамда зарур хизмат турларини барпо қилиш мақсадида шу йилнинг

1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ, «ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ» ҚАЙТА ҚУРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ВАҚТИНЧА, 3 ОЙ МУДДАТГА ЁПИЛАДИ.

Савдо фаолиятини давом эттириш истагида бўлган тadbirkorларга «Тoшбозортayёрловсавдо» уюшмаси тизимидagi бозорлардан мавжуд бўш савдо расталари тавсия қилинади.

«Отчопар буюм бозори» ОАЖ маъмурияти.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раҳбарияти, «Ўзбекистон» телеканали ижодий жамоаси «Умид» студиясининг катта муҳаррири Рўзимат Мадавова ораси Маъмуа ИКРОМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.	«Ўзбурғунейтга» акциядорлик компанияси жамоаси «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Одижон Зокирова волидаси УМРИНИСО ая ва рафиқаси Турсуной ЗОКИРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети раҳбарияти, жамоат ташкилотлари университет ректори, профессор Баҳром Қодровга рафиқаси Халимажон ҲОЖИЕВАНING вафот этганини муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.	Акциядорлик тижорат «Пахта Банк» бошқаруви, қасаба уюшма ташкилоти ва жамоаси «Пахта Банк»нинг методология маркази директори Иброҳим ҲАКИМОВА укаси Анвар ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.
«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси раисини ўрин-босари Одижон Зокирова волидаси УМРИНИСО ая ва рафиқаси Турсуной ЗОКИРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.	«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, ОАЖШ «Пахтааноатидил» ИИЧМ жамоаси Марказий пахта тозалаш илмий-тадқиқот институтининг собиқ директори, пахта тозалаш саноатининг фахрийси, республика хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Алтибек НУРАЛИЕВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор қилади.

## Оқсоқол

Бугун эса манзара мутлақо ўзгарган. Маҳалла оқсоқоли ўз ҳудудининг жонқуяри, ҳар бир кўча ва гузар, ҳар бир хонадон овозини учун курашувчи филоий инсон. Ҳозирги кунда унинг обрў-эътибори ҳазиллакам эмас. Чунки шу ҳудудда нимаки муаммо бўлса, одамлар биринчи гада оқсоқолга учрайди, дил ёради, маалд сўрайди, маслаҳат олади. Бугунги кунда маҳалла фуқароларининг у ёки бу масала ҳуусидаги йигини қарори шу ерда яшовчи ҳар бир фуқаро учун бажарилуши лозим бўлган қонда даражасига кўтариляпти. Бу мустақил юртимизда демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамияти юзага келаятганлигидан далолатлар.

Мен истиқомат қилаётган Янгийўл шаҳрида салкам 60 мингта яқин аҳоли яшайди. 12 маҳаллага бўлинган. Уларнинг ҳар бирида беш миңдан ўн миңга қадар фуқаро мавжуд. Демак, ҳамма деярли бир-бирини билади...

Эрталаб ишга кетаётган эдик. Рўпарамдан ораста кийинган, турмакланган сочлари ўзига бирим ярашган, тий-раккина қизалоқ келарди. Ҳаёл билан қизанинг олдига келиб қолганимни сезмай қолдим:

— Ассалому алайкум, амаки! — деганидан сўнггина сес-каниб унга қарардим.

— Валдайкум ассалом. Кимнинг қизини бўласиз? — деб сўрадим қизанинг.

— Илҳом дўхтирининг, Абдусаттор оқсоқолнинг набира-си бўлман, — деди табассум билан.

— Раҳмат болам, раҳмат, катта қиз бўлдинг. Қизча

қувонганича мактабга кириб кетди.

«Абдусаттор оқсоқолнинг набирасим!» Абдусаттор ака шаҳардаги «Мезон» маҳалласи оқсоқоли. Маҳалладошлари уни тўрт марта ўзларининг «катталари» қилиб сайлашлар. Сабаби, жуда кўп. Энг муҳими, у инсоннинг меҳнатсеварлиги, тўри сўзлети ва узоқни кўра билиши, айтган сўзига бошқаларни ҳам ишонтира олишлар.

Кўриниши унчалик барва-ста эмас, буйи пастрок, миқ-тидан келган, дўппини бос-тириб кийиб олади. Абдусат-тор ака билан қўл бериб қўришган одам иккинчи мар-тасига «безиллаброқ» туради. Сабаби, ҳар қандай одамнинг кўлини «қисиб» бир силкиган-даёқ нақд «елкамнинг ярми узилиб тушибди», деб ўйлай-ди. Кенг қафти кетмон даста-сини ушлайвериш, метин бўлиб кетган. Абдусаттор ака-нинг уйда кетмон чопгани-ни кўрганман. Кетмонни ҳаволатиб, ерга ҳар урганда нақд бузгунгача ботиб кетди.

— Ҳадисини олиш керак, ҳадисини! Ҳамма вақт ҳам сиқ-қилдан ишлаш керак. Меҳ-натнинг оғир-енгли бўлмай-ди, — дейди у доим. Унинг кетмонини бошқа одам икки марта кўтариб ташласа борми, ҳарисллаб қолади, ўзиям нақд катта барқандек.

Абдусаттор оқсоқолнинг ма-ҳаллада кириб-чиқмаган ҳовли-сини йўқ. Илҳомнинг ўзи шунақа-да, маҳалладошлардан хабар олиб туриш керак. Кимдир фарзандлик ёки набиралик бўлган, кимнингдир ўғли ар-миядан келган, кимдир тўй та-радулида — ўғли ёки қиз буй етиб қолган, кимдир қўшинси

### Тахририятга хат келди

## Товоқсой — ҳаммабон жой

Яқинда биз, уруш ва меҳнат фахрий-лари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «То-воқсой» сўхатгоҳида дам олдик. Ҳуж-жатларни расмийлаштириш хонасида бошланган илқ, самимий муоамала то-кетганимизча, сўхатгоҳнинг ҳар бир тиб-биёт ходими ҳечрасида акс этиб турди.

Бодом, ўрик, шотут, олма сингари ме-вади дархатларга қадар дид билан эки-либ, парварини қилганидан бог-роғлар, кек-сарлароб шариот, овқат, муолажалар, омон бўлас, келаси бил яна шу дам олиш масканига келиш учун ният уйғотди.

Айтишларича, икки йил илҳами бу ер-лар оварди обод бўлмаган. Бу ишқият-ларни янги маъмурият амалга оширибди, бараса топшисин. Тоғ об-ҳавоси, илқ му-

амалая муносабат биз, кексаларга тан-сиҳатлик, руҳий тетиклик бағишлади. Шу боис биз Ҳикматила Султонов, Са-лима Рисаметова, Рихси Татиева, Шоира Ҳолматова, Дилбар Сулеева, Тоҳир Ғуло-мов, Маҳмуд Уринов, Бахтияр Ишбебаев-ларга ўз дуоларимизни нуфузли газета ор-қали билдирмоқчимиз.

Қолаверса, уйидаги тўртликни уларга бағишладим: Давринг келса, ҳаволаб кетма, Каттаман деб бебурд гап айтма. Ким бўсанг ҳам ўзин камтар тут, Камтарликдан одам бағри бут.

Муҳаррам ТУРСУНОВА, Кўқон шаҳри, меҳнат фахрийси.

### «Халқ сўзи»

#### «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

#### Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбо-сари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбо-сари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

#### БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетчилик ва алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 777. 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — М. ЮСУПОВ. Мусахҳас — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.30. 1 2 3 4 5 6